

КОРРУПЦИЯ - ИЛЛАТ, УНИ ТАГ-ТОМИРИ БИЛАН ТУГАТИШ ЗАРУР!

Сув билан боғлиқ касб эгалари сувдек тоза, ҳалол, пок инсонлар. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмади деганларидек, билиб билмай нопок ишларга қўл урадиганлар, коррупцияга йўл қўядиганлар учраб туради.



Бугун вазирлик томонидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, коррупцияга қарши курашиш чоралари муҳокама қилинди. Унда Сув хўжалиги вазири, ўринбосарлари, ҳудудий ва тизим ташкилотлари раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.



Йиғилишда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев Давлатимиз раҳбарининг нутқидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир юртдошимиз, шу жумладан, сувчиларнинг виждон иши эканини таъкидлади.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори С.Қурбонов иштирок этиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ушбу иллатга қарши кураш доирасида кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилди.

манба:<https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/41801>